

12-1-2020

IMPACT OF INSURANCE SERVICES ON THE DEVELOPMENT OF REAL SECTOR ENTERPRISES

I. Abdurakhmonov PhD
Tashkent Institute of Finance

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Abdurakhmonov, I. PhD (2020) "IMPACT OF INSURANCE SERVICES ON THE DEVELOPMENT OF REAL SECTOR ENTERPRISES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 6 , Article 7.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss6/7>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

И.ф.н., доц. И.Х.Абдурахмонов
Тошкент молия институти

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИНГ РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИ РИВОЖИГА ТАЪСИРИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур тадқиқот ишимизда суғурта хизматларнинг реал сектор корхоналари ривожига таъсири, уларнинг молиявий-иқтисодий, тижорат ва экологик рисклардан ҳимоялаш, реал сектор ҳақидаги умумий тушунчалар, хорижий олимларнинг ёндашувлари, рикслар классификацияси, суғурта турларининг тавсифи, соҳадаги муаммолар таҳлили, ривожлантириш истиқболлари атрофлича баён этилган. Ўзбекистон Республикасида реал сектор корхоналари фаолиятини кўллаб-қўватлашда суғурта хизматларидан самарали фойдаланиш, суғурталаш механизмларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан таклиф, тавсия ва хулосалар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: реал сектор, реал сектор рисклари, суғурта, суғурта бозори, тадбиркорлик фаолияти, суғурта маҳсулотлари, суғурта полислари.

PhD, docent I.Kh.Abdurakhmonov
Tashkent Institute of Finance

IMPACT OF INSURANCE SERVICES ON THE DEVELOPMENT OF REAL SECTOR ENTERPRISES

Abstract. In this research work, the impact of insurance services on the development of real sector enterprises, their protection from financial, economic, commercial and environmental risks, the general concept of the real sector, the views of foreign scientists, the classification of risks, the type of classification, water supply. In order to support the activities of real sector enterprises in the Republic of Uzbekistan, proposals, recommendations and conclusions have been developed on the effective use of insurance services, further development and improvement of insurance mechanisms.

Keywords: Real sector, real sector risks, insurance, insurance market, entrepreneurial activity, insurance products, insurance policies.

Кириш

Мамлакатимиз реал сектори ривожига йўлидаги изчил ислохотлар иқтисодий-иқтисодий ҳаётимиздаги чуқур таркибий ўзгаришларнинг мустақам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Пировардида соҳа вакиллари учун кенг имконият ва имтиёзлар яратилиб, улар томонидан тайёрланаётган рақобатдош маҳсулотлар ички ҳамда ташқи бозордан мустақам жой эгаллаяпти.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан иқтисодий реал сектори корхоналарининг барқарор ишлашига эришишда уларни айланма маблағлар билан таъминлаш, улар фаолиятидаги тўсиқларни тизимли равишда босқичма-босқич барҳам бериш, уларни турли хил кўринишдаги хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтилмоқда. Бугунги кунда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган пировард мақсад мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий янада ривожлантириш,

халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган, ана шундай иқтисодиёт тармоқларидан бири бу суғурта хизматлари соҳасидир.

Суғурталанувчиларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш йўли билан суғурта қопламасини тўлаб берилиши: бир тарафдан суғурта компаниясининг обрўси ошишига ва бунинг орқасидан янги мижозларни жалб қилса иккинчи тарафдан,- мисол учун катта халокатлар юз берганда ишлаб чиқаришни тезроқ тиклашга эҳтиёж сезилади, бу эса ўз навбатида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга сабаб бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, суғурта ташкилотлари иқтисодиётнинг реал секторини турли хил молиявий рисклардан ҳимоялаш амалиётида муҳим аҳамият касб этади дейишимиз мумкин. Бинобарин реал сектор корхоналари ўз фаолиятлари давомида иқтисодий хавфсизликка эҳтиёж сезадилар ва бу эҳтиёж суғурта компаниялари томонидан қондирилиши мумкин. Бу ўз навбатида реал сектор корхоналарига иқтисодий ўсиш, кўшимча иш ўринларини яратиш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш орқали мамлакатимиз иқтисодини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар шарҳи

“Иқтисодиёт реал сектори” тушунчаси халқ хўжалиги иқтисодиёти учун янги тушунча эмас. Бу термин иқтисодчилар ва сиёсатчи журналистлар сўз бойлигида 1998 йилдан фаол ишлатилиб келмоқда. Кейинчалик у иқтисодиётнинг молиявий сектори билан боғлиқ бўлмаган секторида ҳам кенг ишлатила бошланди [1].

Суғурта компаниялари ва уларнинг умумий суғурта фаолияти ҳар қандай иқтисодиёт тизимининг зарурий ва ажралмас қисмидир. Унинг аҳамияти хавфли вазиятда молиявий ва бошқа рискларни камайтириш ва олдини олиш имкониятларини тақдим этишдан иборат. Суғурта хизматлари кичик ва ўрта бизнесни ривожланишида кўмак вазифасини ўтайди. Суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида суғурта компанияси банкрот бўлмайди, балки ўзининг инновацион фаолиятини яна давом эттириш мумкин бўлади. Бу ўз навбатида мамлакат иқтисодий салоҳиятининг кенгайишига ижобий таъсир кўрсатади [2].

Бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги босқичида суғурта бозори иқтисодиёти муносабатларининг муҳим сегментига айланиб бормоқда. Суғурта нафақат хавфсизлик, барқарорлик, ижтимоий қафолат балки жамиятда инвестицион ресурсларни қайта тақсимлашнинг самарали механизми сифатида ривожланиб келмоқда. Ўз навбатида суғурта иқтисодиётнинг реал секторининг ажралмас қисми бўлган бутун халқ хўжалиги таркибига киради ва у билан ажралмас алоқада ишлайди [3, 4].

Умуман олганда суғурта миллий иқтисодиётни ривожлантиришга ҳисса қўшиши билан бир қаторда, биринчидан замонавий интеграция жараёнларини ҳисобга олган ҳолда давлатнинг ролини кўчайтиради, иккинчидан иқтисодиётга рақамли технологияларни жорий этишни суғурталайди ва янги

маҳсулотлар ишлаб чиқади, учинчидан суғурта хизматларини кўрсатишда суғурта қончилигини такомиллаштириб боради [5].

Иқтисодиётнинг мустақил ва қудратли иқтисодий институти бўлган суғурта жамият манфаатларини, турли ташкилотларнинг иқтисодий ва тижорат фаолиятларини ҳимоя қилади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда суғурта жамият ҳаётининг ажралмас қисми айрим ҳолларда эса хавфсизлик билан биргаликда қабул қилинади [6].

Суғурта бозори бу ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида мулкӣ ва бошқа манфаатларни таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича суғурта муносабатларини қамраб олади [7]. Бундан ташқари, давлатнинг ўзи суғурта бозорини ривожлантириши ва унда соғлом рақобат бўлиши, маълумотлар кам ва тўлиқ бўлмаган пайтда рақобатбордош мувозанатни ўрнатишни самарали механизмларини ишлаб чиқишдан манфаатдордир [8, 9, 10].

Бугунки кунда давлатнинг иқтисодий ривожланишидаги суғуртанинг ўрни жаҳон бозорида юз бераётган кўплаб иқтисодий, ижтимоӣ ва сиёсий жараёнларнинг таъсири остида ўзгариб бормоқда.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида реал сектор корхоналари рисклари, уларнинг иқтисодиётдаги ўрни борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишлари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш, таҳлил, синтез каби усуллар самарали қўлланилди, шунингдек реал сектор корхоналари рискларини суғурталашдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари борасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар

Бозор иқтисодиёти тизими ривожланиб борар экан жамият фаолиятининг барча соҳалари кўрсаткичларига, айниқса, иқтисодий муносабатларда иқтисодиётнинг муҳим элементлардан бири суғуртага эҳтиёж ошиб боради. Суғурта фуқаролар, ташкилотлар ва давлатнинг мулкӣ манфаатларини ҳар хил табиӣ, техник ҳамда турли хилдаги таваккалчиликлардан ҳимоя қилишини бюджетдан маблағ талаб қилмай таъминлайдиган механизмдир.

Табиӣ офатлар, авариялар ва бошқа фавқулотда рўй берадиган ҳодисалар инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда юз беради. Илмий нуқтаи-назардан қараганда, ҳар бир мулк эгаси ўз мол-мулкани қисман зарарланиши ёки бутунлай йўқотилиши оқибатида кўриладиган зарарларни қопланишидан манфаатдор эканлигини кўриш мумкин.

Фуқароларнинг ҳаёт фаровонлиги мамлакат иқтисодиётининг самардорлиги учун асосий мезон ҳисобланади. Ҳар қандай давлатнинг асосий вазифаси аҳоли истеъмол товарлари билан таъминлаш: ўй-жой, транспорт ва бошқалар. Аҳолининг фаровонлиги ва мамлакат рақобатбардошлиги даражаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Биринчи навбатда улар иқтисодиётнинг реал секторининг жамиятнинг моддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолиятнинг самарадолигига боғлиқ.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг реал сектори нафақат жамият эҳтиёжларига жавоб берадиган, балки бюджетни шакллантиришга (тўлдиришга) кўмаклашаётгани учун ҳам эътиборни кўчайтиради, шунингдек реал сектор ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисмидир.

Жаҳон молиявий инқирози шароитида давлатнинг барқарор фаолият юритиши учун нафақат молия тизимини ривожлантириш, балки иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш учун шароитлар яратиш зарур.

Иқтисодиётнинг “реал сектор”ига аниқ бир ҳуқуқий тариф мавжуд эмас, балки кўплаб турли ёндашувларни ўзида мужассам этган тарифлар мавжуд.

“Иқтисодиётнинг реал сектори” тушунчасига кўйида жадвалда келтирилган ёндашувлар асосида умумий таъриф бериш мумкин. Иқтисодиётнинг реал сектори жуда муҳим, асосий комплекс ҳисобланади. У мамлакат иқтисодиётининг даражаси ва ихтисослашувини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Иқтисодиётнинг реал сектори банк сектори бунда мустасно, моддий ва номодий маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарадиган иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини ўз ичига олади.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, суғуртанинг бозор иқтисодиётидаги муҳим вазифалари кўйидагилардан иборатлигини кўришимиз мумкин:

- бюджетнинг харажатлар қисмига тушадиган оғирликни камайтириш;
- ҳаёт хавфсизлигини таъминловчи асосий омиллардан бири;
- ишлаб чиқаришни узлуксизлигини ва барқарорлигини таъминловчи асосий молиявий, иқтисодий восита;
- аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш механизми;
- иқтисодиётга миллий инвестицияларни жалб қилиш манбаси ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг реал сектори учун рискларнинг бутун бир тизими мавжуддир. Ҳар бир ташкилот учун рисклар ва уларнинг намоён бўлиш даражаси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бир қатор рискларнинг юз бериши компанияни молиявий қобилятини йўққа чиқариши, банкротликка ва ҳатто бизнеснинг ёпилишига олиб келиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектлар учун реал иқтисодиёт ички ва ташқи рискларнинг умумий нисбати орқали кўриб чиқилиши мумкин.

Объектив рисклар хўжалик субъекти фаолиятдан катий назар шаклланиб боради ва бизнес фаолиятини белгилаб беради. Бугунги глобаллашув шароитида кўплаб янги рисклар пайдо бўлиб бормоқда. Улар орасида малакат rischi, ресурс ва институционал, экологик рисклар ва бошқаларни келтириш мумкин.

Субъектив рисклар хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти турига боғлиқ ҳолда шаклланиб боради. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда бу рисклар гуруҳи бир қатор ташқи рискларни ҳосил қилади. Тадбиркор субъектига ташқи омилларнинг салбий таъсири ички муаммоларнинг келиб чиқиши ва ички рискларни пайдо бўлишига олиб келади.

1-жадвал

Суғурта ва суғурта бизнесининг иқтисодий таъсири

Суғуртанинг иқтисодий таъсири	Суғурта бизнесининг иқтисодий таъсири
Хужалик юритувчи ва жамиятнинг ҳар бир аъзосига суғурта ҳимоясини тақдим этиш.	Меҳнат бозорининг бевосита суғурта соҳаси билан боғлиқ бандлигини таъминлайди, ишчи ўринларни яратади (суғурта воситачилари)
Кичик суғурталанувчилар ва суғурта қилдирувчиларнинг суғурта мукофотлари жамланиб иқтисодий учун инвестиция капиталига айланиб боради.	Бюджетнинг харажатлар қисмига тушадиган оғирликни камайтиради (давлат ва мажбурий суғурта турлари), суғурта мукофотларидан ва ўз даромадларидан солиқлар тўлайди.
Кредит бериш мақсадида суғурта мукофотларининг кредит ва ссудага капиталига айланиши.	Зарар миқдорларини камайтириш ва олдини олиш мақсадида огоҳлантириш чора-тадбирларни амалга ошириб турадилар
Илмий-техник тараққиётни фаоллаштириш, илм талаб этувчини соҳани ҳимоялаш (венчур), инновацион ишлаб чиқаришни таъминлаш.	
Янги технологик ишлаб чиқариш билан боғлиқ рискларни суғурта компаниялари ўз бўйнига олади. Б уўз навбатида иқтисодийда жозибадор инвестиция муҳитини яратишга имкон беради.	

Манба: таҳлиллар натижасида муаллиф томонидан тайёрланди.

Ҳозирги куннинг энг жиддий рисклари бу бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан муносабатларнинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатларини камраб оладиган мамлакат рискидир. Бу риск ташқи рисклар мажмуасига тегишлидир. Шу билан бирга у ўз-ўзидан пайдо бўладиган рискларни (ички ва ташқи) пайдо қилади ва бу мураккаб жараён дир. Мисол тариқасида замонавий шароита мамлакат рискининг таъсири остида юзага келадиган хўжалик юритувчи субъект учун рисклар тизимини келтириб ўта миз:

- мол етказиб берувчилар: бошқа мол ва товар етказиб берувчиларни топиш билан боғлиқ рисклар;
- инвесторлар: инвесторлар учун мамлакат рискининг тушуб кетиши инвестиция жозибаборлигини пасайтириб юборади;
- ишчи ходимлар: иш ҳақининг пасайиши кўзатилиши мумкин;
- кредитлар: кредиторлар олдида мажбуриятларни бажара олмаслик рисклари пайдо бўлиши мумкин;
- давлат: давлат томонидан эмбарго ва чекловларнинг қўйилиши бошқа мол етказиб берувчиларни излашга мажбур қилади;
- истеъмолчилар: истеъмолчилар учун нархларнинг кескин ошиши ва харид қобилиятининг пасайиб кетишига олиб келиши мумкин;

– банклар: миллий валютанинг кадрсизланиши, юқори фоиз ставкалари, кредитларнинг қайтмаслик хавфларини келтириб чиқариши мумкин.

Бугунги кунда сиёсий рисклар кўплаб компанияларга катта таъсир кўрсатади. Фақатгина ички сиёсий рискларни эмас балки ташқи сиёсий рискларни ҳам ҳисобга олиш мумҳимдир.

Иқтисодий рисклар мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам сиёсий вазиятга жуда боғлиқ бўлади. Бунда шундай хулоса қилиш мумкинки сиёсий риск ўз навбатида иқтисодий рискнинг вужудга келишига асосий сабабчи бўлиши мумкин. Буларнинг кўчайиши инфляция, банк ставкаларининг юқори бўлиши, деволвация ва бошқаларда намоён бўлади.

Ижтимоий рисклар асосан мамлакатнинг иқтисодий вазиятидан келиб чиқади. Аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, фуқароларнинг харид қилиш индексининг пасайиши, ишсизликнинг ошиши ва бошқа рисклар иқтисодий аҳволнинг танглигидан далолат бериб туради.

Илмий ва техник рисклар. Ушбу тураги рисклар асосан ишлаб чиқаришда кулланилаётган техник технологик жараёнларнинг маънавий эскириши, рақобатчиларнинг бу соҳаларда илгарлаб кетиши ва бошқа омилларда яққол кўриниши мумкин.

Экологик рисклар, масалан турли кўринишларга эга бўлган табиий офатлар. Бундан ташқари иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун табиий ресурсларни чеклашни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Тижорат рисклари бу компаниянинг тижорат фаолиятни билан боғлиқ булган ҳолда юзага келади. Суст маркетинг сиёсати, нотўғри режалаштирилган нарх сиёсатларини қамраб олади.

Ишлаб чиқариш рисклари жуда хилма-хил бўлиши мумкин. Улар брак, бахтсиз ҳодисалар, логистика рисклари, таъминотнинг узилиши, ишлаб чиқариш қувватларининг етишмаслиги ва бошқаларни қамраб олиши мумкин.

Молиявий рисклар. Компаниянинг ўз маблағлари ва қарз олиш имкониятларнинг йўқлиги, молиявий кўрсаткичларнинг пасайиши, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг юқори даражаси, банкротлик рисларини қамраб олади.

Юқорида келтирилган ички ва ташқи рискларга асосланиб мавжуд рискларни тизимли хусусиятга эга эканлигини таъкидлашимиз мумкин. Улар шунингдек ўзаро боғлиқ. Ички рисклар ташқи рискларга боғлиқ бўлади. Улар иқтисодиётнинг реал сектори фаолиятида рискларнинг тизимли равишда юзага келишида намоён бўлмоқда. Бугунги кунда мамлакат risks, ташқи сиёсат risks, иқтисодий рисклар натижасида юз бериши мумкин бўлган фавқуллода ҳолатлар жуда кескин тус олиш мумкин мумкинлиги билан хатарлидир.

Ҳозирги кунда барча ривожланган мамлакатлар молиявий секторини оптимал ривожлантириш ва реал сектор иқтисодиётини таъминлаш учун ҳаракат қилмоқда.

Дунёнинг турли мамлакатларида биз иқтисодиётнинг реал секторини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш юзасидан турли хил чора-тадбирларни амалга ошириб келаётганларини кўришимиз мумкин.

Қийин шароитларда давлат ва бизнес билан биргаликда рискларни тартибга солиб бориши керак. Акс ҳолда бундай омиллар давлатни ва бизнесни қийин ахволга солиб қўйиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъектлар корпоратив бошқарувнинг барча даражадаги юзага келадиган рискларни бошқаришнинг ва назорат қилишнинг ягона тизимини жорий этишлари керак. Давлат нафақат турли ривожланиш стратегияларни ишлаб чиқиши, балки уларнинг базарилиши мунтазам назорат қилиши ва кузатиб бориши лозим. Бундай стратегиялар бизнес билан яқин ҳамкорликда ишлаб чиқиши керак.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикасида реал сектор корхоналари фаолиятни кўллаб-қўватлашда суғурта хизматларидан самарали фойдаланиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари энг кўп ҳимояланишга муҳтож компаниялар ҳисобланади. Сабаби улар фаолиятининг натижалари мамлакат иқтисодиётини белгилашда, иқтисодий индексларнинг шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

2. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан шуни кўришимиз мумкинки кўллаб-қўватлашда реал сектор корхоналари рискларини суғурталашни яхши йўлдан қўйилган. Ушбу соҳадаги рискларни аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда давлат кўплат суғурта турларини мажбурий кўринишда амалга оширилиши назорат қилиб боради. Реал секторда шундай фаолият турлари мавжудки унда суғурта полисининг мавжудлиги фаолият билан шуғулланишга асос бўлиб хизмат қилади.

3. Реал сектор корхоналарини суғурталашда соҳа, тармоқ вакиллариининг ўзаро суғурталаш жамиятлари ташкил этилган. Буларнинг афзалликлари суғурта мукофотларининг пастли, зарарларни тўлаб бериш механизмларининг соддалиги ва тезлиги, шунингдек соҳа, тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда суғурта шартномаларининг фаолият соҳасининг барча жабҳаларини қамраб олаётлиги билан ажралиб туради.

Суғурта компанияларини суғурта бозорида суғурта маҳсулотларини таклиф қилиши ва мижозларга сифатли суғурта хизматлари кўрсатилиши яхшиланиб бораётганлиги ва ўз навбатида бундай ўзгаришларнинг асосий сабаби давлат томонидан реал сектор корхоналари фаолиятини кўллаб-қўватлашга қаратилган чора-тадбирлари тизимли олиб бораётганлигидандир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, суғурта ташкилотлари иқтисодиётнинг реал секторини турли хил молиявий рисклардан ҳимоялаш амалиётида муҳим аҳамият касб этади дейишимиз мумкин. Бинобарин реал сектор корхоналари ўз фаолиятлари давомида иқтисодий хавфсизликка эҳтиёж сезадилар ва бу эҳтиёж суғурта компаниялари томонидан қондирилиши мумкин. Бу ўз навбатида реал сектор корхоналарига иқтисодий ўсиш, қўшимча иш ўринларини яратиш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш

орқали мамлакатимиз иқтисодини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Орлов М.Г. Роль институтов в содействии развития реального сектора экономики. Проблемы современной экономики, 2011г. №3. С. 358-360 с.
2. Бахматов С. А. Страхование предпринимательских рисков: основные виды и их особенности в современных условиях / С. А. Бахматов, Ю. В. Кайгородцева // Baikal Research Journal. – 2015. Т. 6, № 4
3. Водолазська О.А., Основні проблеми і напрямлення взаємодія страхової системи і підприємств реального сектора економіки. Науковий вісник: Фінанси, банки, інвестиції - 2013 - №3. 79-82 стр
4. Воронкова О.М. Анализ деятельности страховых компаний на финансовом рынке Украины: комплексный подход. Економічний вісник університету | Випуск № 33/1. 2017г. 283-294 стр.
5. Ахвледиани Ю. Т. Страховой бизнес как элемент устойчивого развития национальной экономики. Вестник РЭУ им. Г. В. Плеханова - 2018 - № 3 (99). 92-98 стр.
6. Немцова Н.В. Формирование системы страховой защиты на промышленных предприятиях. Наука и образование №2 февраль 2007. 1-6 стр.
7. Савенко О.Л., Болотин Ю.О. Устойчивое развитие страхового рынка в современных условиях: концептуальные основы и инструменты обеспечения // Вестник Евразийской науки, 2019 №4, стр 1-16.
8. Rothschild M., Stiglitz J.E. Equilibrium in Competitive Insurance Markets: An Essay in the Economics of Imperfect Information // Quarterly Journal of Economics. 1976. Vol. 80. P. 629–649.
9. Wilson C. A Model of Insurance Market with Incomplete Information // Journal of Economic Theory. 1977. Vol. 16. P. 167–207.
10. Cohen A., Siegelman P. Testing for Adverse Selection in Insurance Markets // Journal of Risk & Insurance, The American Risk and Insurance Association. 2010. Vol. 77(1). P. 39–84.